

## **Тиббий профилактика факультети кафедраларида ўқув, ўқув-услубий, илмий ва тарбиявий ишлар ҳолати**

Маърузачи: Тиббий профилактика факультети декани Ф.И.Саломова

ЎзР Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2909-сонли, “ЎзРда тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2956-сонли ва “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3151-сонли, “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳатларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3775-сонли қарорларнинг ижросини таъминлаш борасида академияда, шу жумладан тиббий профилактика факультети кафедраларида қатор ишлар амалга оширилмоқда. “ЎзРда тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорга асосан “Тиббий профилактика иши” таълим йўналишида ўкиш муддати 6 йилдан 5 йилга қисқартирилди ва битиравчиларга “Врач гигиенист эпидемиолог” квалификацияси бериладиган бўлди. “Тиббий профилактика иши” таълим йўналиши учун ДТС, КХ, малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларни ривожланган давлатларнинг тажрибаси ва амалиётни ҳисобга олиб мутахассислик фанларининг улушкини оширилган ҳолда ишлаб чиқилди. Жумладан ўқув режада гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар блокининг улуси 8,4%гача, математик ва табиий-илмий фанлар -12,4%гача камайтирилди, умумкасбий фанларнинг улуси 57,7%гача, ихтисослик фанларники 13,1%гача кўпайтирилди. Ҳозирги кунда 1 курсда ЎзР ССВ томонидан 2018 йил тасдиқланган, 2 курсда ЎзР ССВнинг 2017 йил 22 августидаги 474-сонли буйруғи, 3 курсда - ОЎМТВнинг 2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи, 4 курсда - ОЎМТВнинг 2015 йил 21 августидаги 303-сонли буйруғи, 5 курсда - ОЎМТВнинг 2014 йил мартаидаги 84-сонли буйруғи билан тасдиқланган ДТС, МТ, ўқув режалари асосида ташкил қилинган.

2018-2019 ўқув йилида тиббий профилактика ва тиббий биология факультетида 511 нафар талаба таҳсил олмоқда. Улардан 160 (31,3 %) нафари давлат гранти асосида, 351 (68,7 %) нафари эса тўлов шартнома асосида таҳсил олади. Тиббий профилактика иши таълим йўналишида 362 нафар талаба таҳсил олмоқда. Улардан 135 (37,3 %) нафари давлат гранти асосида, 227 (62,7%) нафари эса тўлов шартнома асосида таҳсил олади. Йўналишнинг 91 нафар (26,1%) талабаси Қашқадарё вилоятидан, 53 нафар (14,5%) талабаси -Тошкент шаҳридан, 46 нафар (12,6%) талабаси - Тошкент вилоятидан, 28 нафар (7,7%) талабаси Навоий вилоятидан, 25 нафар (6,9%) талабаси - Бухоро вилоятидан келган талабалар. Колган вилоятлардан келган талабалар сони 2 дан 23 нафаргача.

Факультет бўйича 2017-2018 ўқув йили ўзлаштириш натижалари: 25,2%“яхши” баҳоларга, 20,2% “коникарли” баҳоларга, 54% эса аралаш баҳоларга ўзлаштирдилар. Факультет талабаларининг умумий ўзлаштириш кўрсаткичи 94,7%, сифат кўрсаткичи эса 33,1% ташкил қилди. Умумий ўзлаштириш ўтган ўқув йилига нисбатан 2,6% га пасайган.

ЎзР Президентининг Олий таълим тизимини янада ривожлантиришга йўналтирилган Қарорларида олий таълим тизимини келгусида янада такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш бўйича энг муҳим вазифалар этиб: ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнига хориждан юқори

малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш, уларнинг базасида профессор-ўқитувчиларни стажировка, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш; ОТМларни замонавий ўкув ва лаборатория ускуналари ва б. билан жиҳозлаб уларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва бошқа вазифалар белгиланган. Ҳозирги кунда кафедралар қатор ҳорижий университетлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб (Корея университети, Кентукки университети (АҚШ), Бонн университети (Германия), Сеченов номидаги Москва давлат тиббиёт университети, Сибирь давлат тиббиёт университети, Қозон давлат тиббиёт университети, Жанубий Тожикистон тиббиёт академияси, Қозоғистон тиббиёт университети ва бошқалар), ўкув жараёнига ҳорижий университетларнинг профессор-ўқитувчиларини жалб қилиш ва педагог ходимларимизни четга малака ошириш ҳамда стажировка ўташ бўйича ишларни амалга оширишмоқда. Жорий 2018 йилнинг 7 июн куни «Тошкент тиббиёт академияси ва Корея Университети ҳамкорлигидаги илмий тадқиқот маркази» очилди. Марказга ҳозирги кунга қадар атроф муҳит омилларининг физик ва кимёвий хусусиятларини ўлчаш ва баҳолашга мўлжалланган бир қатор асбоб-ускуналар ва лаборатория жиҳозлари тақдим этилди. Шунингдек, 2 нафар академиямиз ходимлари ҳозирги кунда “Экология ва атроф муҳит” йўналиши бўйича Корё университети таянч докторантурага (PhD) тахсил олишмоқда.

Ҳозирги кунда Жамоат соғлигини сақлаш мактаби томонидан Сеченов номидаги Москва давлат тиббиёт университети билан ҳамкорликда “Соғлиқни сақлашда раҳбарлик” қўшма магистратура мутахассислик йўналишини ташкиллаштириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунга келиб тиббий профилактика факультетига 11 та кафедра ва 1 та илмий мактаб бириктирилган. Ушбу кафедраларнинг 11 тасини профессорлар ва фан докторлари, 1 тасини эса доцент бошқармоқда. Факультетга тегишли асосий кафедралар 1,2,3- ўкув биноларида қолган кафедралар академиямизнинг клиникаси ҳамда илмий текшириш маркази базаларида жойлашган.

Ҳозирда факультетга бириктирилган кафедралар ва илмий мактабда 162 нафар профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатмоқда. Шундан 138 нафар ходим асосий штатдаги ходимлар, 21 нафари ички ўриндош ходимлар ҳисобланади. 9 нафар кафедра мудирлари асосий штатларда, 1 нафар кафедра мудири соатбай тартибда ва раҳбарият ўринларда ишлайдиган кафедра мудири ва ходимлар ички ўриндошлиқ вазифасида ишлаб келишмоқда.

Жорий ўкув йилида факультетнинг илмий салоҳияти 50% ташкил этди. Ходимларимизнинг 23,4% фан докторлари ва профессорлар, 26,6% фан номзоди ва доцентлар ҳисобланади. 2015-2018 йилларда факультет кафедралари ходимларидан 8 нафари докторлик диссертациясини, 3 нафари номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар, шу жумладан болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедрасидан – 3 та ходим (2 та докторлик, 1 та номзодлик иши) тиббий ва биологик кимё ҳамда анатомия ва клиник анатомия кафедраларидан 2 тадан ходим (докторлик иши), гематология, трансфузиология ва лаборатория иши кафедрасидан 1 та ходим (докторлик иши), информатика ва биофизика кафедрасидан 1 та ходим (номзодлик иши), гистология ва тиббий биология кафедрасидан 1 та ходим (номзодлик иши). Шунга қарамасдан илмий салоҳияти паст бўлган кафедралар информатика ва биофизика, микробиология, вирусология ва иммунология кафедралари, жамоат соғлигини сақлаш мактаби, эпидемиология кафедралари, тиббий ва биологик кимё, гематология, трансфузиология ва

лаборатория иши кафедралари ҳисобланади. Бу борада ишларимизни янада кучайтиришимиз лозим.

Факультет профессор-ўқитувчилар томонидан 2017-2018 ўқув йили ва жорий йилнинг ҳозирги кунига қадар 6 та монография, 14 та ўқув услугубий қўлланмалар ва 70та илмий мақолалар чоп этилган. Мақолаларнинг 40 таси ҳорижда чоп этилган. Профессор-ўқитувчиларимиз 12 илмий анжуманларда ўз маъruzalari билан иштирок этишган. Улар томонидан 7 та электрон дарслик ва тайёрланган.

Бугунги кунда факультет ходимларнинг олдида турган энг асосий масалалардан дарсликларни чоп этишдир. Бугунги кунга қадар Эпидемиология, Тиббий кимё, Овқатланиш гигиенаси, Микробиология, вирусология ва иммунология, Биологик кимё, Тиббиётда ахборот технологиялари, Биофизика фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар чоп этилди. Фармакология, Молекуляр фармакология, Таълимда ахборот технологиялари, Тиббий электроника, Тиббий радиобиология, Мутахассиликка кириш, Гигиена. Тиббий экология фанларидан эса дарсликлар чоп этишга топширилган. Гематология, Клиник лаборатор диагностика, Ҳарбий гигиена, Ҳарбий эпидемиология, Эпидемиология, Мехнат гигиенаси, Биология ва тиббиётда математик моделлаштириш, Тиббий техника ва янги тиббий технологиялар, Цитологик ташхисга кириш, Тиббий биокимё ва Жамоат саломатлиги фанларидан ўқув адабиётлари тайёрланмоқда.

Ҳозирги кунда факультет мутахассислик кафедралари олдида турган энг долзарб муаммолардан бири магиструтура йўналишларида ўринларнинг тўлмаслигидир. 2018-2019 ўқув йилида кафедраларга магистратура йўналишига 61 та ўрин ажратилган бўлиб, 8 та ўрин тўлмай қолди. Клиник ординатурага ажратилган 57 ўриннинг 31таси тўлмай қолди. Бу эса келажакда ёш мутахассислар билан таъминлаш муаммосини туғдиради. Бу борада ходимларимиз битириувчи курс талабалари билан даврий равишда ташвиқот ишларни олиб борилмаганлигидандир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ушбу ўқув йилида кафедраларимизда ўқув-услубий, илмий ишлар ва кадрлар тайёрлаш ишларини янада яхшилаш учун қуйидаги вазифаларни бажариши лозим:

- Янги тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар асосида ҳар бир фан бўйича ўқув-услубий мажмуаларни қайта кўриб чиқиши;
- Ўқув режасига янги киритилган фанлар бўйича ҳамда режа асосида яратилаётган ўқув адабиётларини тайёрлашни тезлаштириш;
- Тиббий таълимни амалиётга йўналтирилганлигини таъминлаш, талабаларни амалий жиҳатдан тайёрлашга эътиборни кучайтириш, амалий қўнимларни ўзлаштирилиши учун шароитларни яхшилаш;
- Моддий-техника базани кучайтириш, педагог, олимлар ва шифокорларнинг кооперациясини таъминлаш мақсадида ДСЭНМ, ИТИ ва ихтисослашган марказлар билан ўқув, ўқув-услубий, илмий фаолият доирасида ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш.
- Факультет битириувчи курс талабалари ўртасида ташвиқот ишларини тўғри ва самарали олиб бориб магистратура ва клиник ординатура ўринларига конкурсни таъминлаш;
- Тошкент шахридаги ДСЭНМлари базасида ўқув жараёнини янада такомиллаштириш, кафедра мудирлари томонидан марказлардаги ўқув жараёнини доимо назорат қилиш;
- Ўзлаштиришнинг сифат кўрсаткичини кўтариш мақсадида, факультет талабаларига муаммоли, вертикал ва горизонтал интеграцион маъruzalар ўқилишини ташкиллаштириш ва уларни амалга оширилишини назорат қилиш;
- Ҳорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик ишларини режа асосида олиб борилиши таъминлаш.

